# “ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

## “Ромитан ш” ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”

*АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ*

## УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

# Ш А Р Т Н О М А С И

№ 240025/1

Электр энергиясидан
фойдаланиш қоидаларига
2-илова

**Юридик шахс бўлган истеъмолчилар учун электр таъминотининг шартномаси**

20 22 йил "10" 01 240025/1-сон **Хонобод шаҳар**
(шартнома тузилган манзил)

Низом асосида фаолият юритувчи
Хонобод ШЭТК раҳбари
(худудий электр тармоқлари корхонасининг номи)
Ф. Лобанлиев (кейинги ўринларда
(худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)
"Корхона" деб аталади) бир томондан хамда Низом асосида
фаолият юритувчи Хонобод ш [illegible]
(истеъмолчининг номи)
раҳбари [illegible] (кейинги ўринларда
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)
"Истеъмолчи" деб аталади), ҳисоб рақами – ☐☐☐☐☐☐☐☐☐☐ иккинчи томондан
мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда "энергия" деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик Шартномавий ҳажми:
актив 13332 кВт/с., реактив - кВар/с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 5999400 сўм *(тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициент билан (тагига чизилсин)* ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар (нархни белгилашнинг алоҳида тартиби) асосида амалга оширилади.

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергия технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳақини ёзади ва Истеъмолчи шахсий ҳисобрақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан электр энергияси Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия олинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча олинган энергия жами хажми учун белгиланган тарифнинг 0.15% миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисобга олиш приборлари қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қиладиган хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.



Юридик шахс бўлган истеъмолчилар
учун электр таъминотининг
намунавий шартномасига 7-илова

## Авария ва технологик бронни аниқлаш
## ДАЛОЛАТНОМАСИ

Истеъмолчининг ________________________________________________
______________________________________иштирокида тузилди.

Энергетика тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

| Т/р | Технологик бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:________кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа кўнгилсиз ходисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) технологик бронга, шунингдек, авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич____________________кВт
II босқич____________________кВт
III босқич____________________кВт
IV босқич____________________кВт

2. ______________ ўтгандан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача ўчирилади.

| Т/р | Авария бронига таалуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт) | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами:________кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш мосламаларига оғирлик тушади.

б) Захира ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

**ИМЗОЛАР:**

**ИСТЕЪМОЛЧИ:** **КОРХОНА:**

_____________________ (М.Ў., имзо) _____________________ (М.Ў., имзо)



3.2. 750 кВА ва ундан юқори қувватган уланган Истеъмолчи электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тарифлар бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат $6^{00}$ дан $9^{00}$ гача, кечки энг катта миқдор соат $17^{00}$ дан $22^{00}$ гача) - ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда,

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларда: $22^{00}$ дан $24^{00}$ гача ва $00^{00}$ дан $06^{00}$ гача) – камаювчи коэффициентни қўллаш орқали белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гуруҳидаги бир ставкали тариф қўлланиладиган истеъмолчиларга ҳам амал қилади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

750 кВАгача қувватга уланган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчи энергия учун тўловларни ўсиб борувчи коэффициентли ва Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ойни ташкил қилади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг корхонанинг ваколатли шахси билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисида ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача тақдим этади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботда ишлатилган электр энергиясининг (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари, тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган ҳажмларни кўрсатиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда, Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунига қадар олдин энергиянинг шартномада кўрсатилган қийматини юз фоиз (100%) олдиндан тўлагандан сўнг унга энергия етказиб берилади.

3.7. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳақини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Корхона ва электр энергетика соҳасидаги давлат назорати органининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эхтиёжлари, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эхтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори қувватга уланган Истеъмолчи:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва Корхона талабига кўра хабар қилиши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

Ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, келишмасдан ва огоҳлантирмасдан Истеъмолчига электр энергиясини узатишни чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;



Юридик шахс бўлган истеъмолчилар
учун электр таъминотининг
намунавий шартномасига 6-илова

**Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими**

**1.Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати**

| Т/р | Компенсация қурилмаларининг тури | Қуввати | Уланиш вақти | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Эрталаб | Кечқурун | |
| 1. | Конденсаторлар, кВар<br>1000 Ваттгача<br>1000 Ваттдан юқори,<br>жумладан: | | | | |
| 1.1. | Автоматик бошқариладиган:<br>1000 Ваттгача<br>1000 Ваттдан юқори, | | | | |
| 1.2. | Қўлда бошқариладиган:<br>1000 Ваттгача<br>1000 Ваттдан юқори, | | | | |
| 2. | Синхрон двигателлар -(СД), кВт | | | | |
| 3. | СДнинг реактив қуввати, кВар (СД белгиланган қувватининг 30 фоизи, кВт) | | | | |
| 4. | Жами (1б.+3б.) кВар:<br>1000 Ваттгача<br>1000 Ваттдан юқори. | | | | |

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий қиймати

| Йил, ой | Реактив энергиянинг иқтисодий қиймати (кВар.соат) | Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда белгиланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Имзолар:

**ИСТЕЪМОЛЧИ:** _______________ (И.Ш., имзо)

**КОРХОНА:** _______________ (М.Ў., имзо)



3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи (тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергиясини етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келадитган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

## VI. Якунловчи қоидалар

6.1. Шартнома ___31.12.2022 й___ муддатга тузилган. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки нусхада тузилди. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олдин иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**Истеъмолчи**:
Почта манзили ___Хонобод ш. Тиббиёт бир___
Ҳисобрақами ___1000228600340870 72+10054002___
Банк коди (МФО) ___00074___ (ИНН) ___200248275___
***Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:***
Бюджет фондининг ҳисобрақами ______________
Банк коди (МФО) ___00074___ (ИНН) ___200248275___
Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами ______________
Банк коди (МФО) ___00074___ (ИНН) ___200248275___
***Телефонлар*** ___7344113___ ***Факс:*** ______________
(Истеъмолчи, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

***Статистик кодлар:***
ОКЭД ______________
СООГУ ______________
СОАТО ______________
КФС ______________
КОПФ ______________
ОКПО ______________

**Корхона:**
Почта манзили: Хонобод шаҳар Ош кўчаси №1 уй
Ҳисобрақами: 2 2 6 3 6 0 0 0 9 0 0 2 8 5 9 7 2 3 0 3
Банк коди (МФО): 0 0 0 7 5 (ИНН): 2 0 0 2 3 0 7 9 2
***Телефонлар: 95 203 56 21 Факс:*** ______________
***Статистик кодлар:***
СООГУ: 0 1 0 1 3
СОАТО: 1 7 0 3 4 0 8

| **Истеъмолчи:** | **Корхона:** |
|---|---|
| М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О. | М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О. |



Юридик шахс бўлган истеъмолчилар
учун электр таъминотининг
намунавий шартномасига 4-илова

### Электр тармоқларининг баланс бўйича мансублигини ва томонларнинг эксплуатация қилиш жавобгарлигини белгилаш ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) ҳаво линиялари ______________
б) кабель линиялари ______________
в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ______________

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасида электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси: ______________

3. Улардан қуйидагиларга:
а) ______________ хизматлар Истеъмолчи ходимлари томонидан;
б) ______________ Истеъмолчи билан тузилган Шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.
4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: ______________

**Вакиллари:**

| | | |
|---|---|---|
| **Истеъмолчи** М.Ў. | (имзо) | (Ф.И.О) |
| **Корхона** М.Ў. | (имзо) | (Ф.И.О) |

Юридик шахс бўлган истеъмолчилар
учун электр таъминотининг
намунавий шартномасига 5-илова

**Энергияни йўқотишни аниқлаш**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Энергияни ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган энергия йўқотишлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Қуввати ________ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергияни йўқотиш ______________ кВт.соат ёки _________ фоизни, реактив энергияни йўқотиш _________ кВАр.соат ёки _________ фоизни ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги ____________________________________________ м;

Кесими ____________________________________________ мм$^2$;

Русуми ____________________________________________ ;

Кучланиши _________ кВ бўлса, ________кВт.соатни ёки ________ фоизни ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги ____________________________________________ м;

Кесим юзаси ________________________________________ мм$^2$;

Русуми ____________________________________________ ;

Кучланиши _________ кВ бўлса, _________ кВт.соатни, ёки ________ фоизни ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг ____ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда __________ соат, бир ойда ____________ кун ишлайди.

Сменалар бўйича юклама нисбати (фоиз ҳисобида) I _____, II ______, III _____ни ташкил қилади.

**Имзолар:**

**Истеъмолчи:** ________________________ (М.Ў. Имзо)

**Корхона:** ________________________ (М.Ў. Имзо)



ускуналар, электр узатиш линиялари, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия ҳисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақида рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчининг ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни, шунингдек, пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-без ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчи электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокора ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

Юридик шахс бўлган истеъмолчилар
учун электр таъминотининг намунавий
шартномасига 1-илова

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. Тариф гурухи ____________________________
2. Фаолият тури ____________________________
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган қуввати: ________ кВА (кВт)
4. Электр таъминотининг ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) ________
5. Ҳисоб-китоб тури: ________________________________________________

*тариф тури: табақалаштирилган , бир ставкали ёки ошиб борувчи коэффициентли (тагига чизилсин)*

| | Энергия ҳажми минг. кВт.с | Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| **Йил, жаъми** | | | | | |
| Январь | | | | | |
| Февраль | | | | | |
| Март | | | | | |
| Апрель | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июнь | | | | | |
| Июль | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябрь | | | | | |
| Октябрь | | | | | |
| Ноябрь | | | | | |
| Декабрь | | | | | |

**Имзолар:**

**Истеъмолчи:** ____________________ (М.Ў. Имзо)

**Корхона:** ____________________ (М.Ў. Имзо)



Юридик шахс бўлган истеъмолчилар учун
электр таъминотининг намунавий
шартномасига 2-илова

**Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари**

| Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган | Ҳисобга олиш прибори тури (актив, реактив), (номинал токи) | Ҳисобга олиш прибори рақами | Ҳисобга олиш прибори клемма копкогидаги пломбанинг рақами | | Ўлчов трансформатор-ларининг трансформация коэффициенти | | Ҳисоб-китоб коэффициенти | Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсатгич- | Тариф тури сумма/ 1 кВт.с. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Корхона-нинг | Бюро-нинг | Ток | Кучла-ниш | | | |
| | | | | | | | | | |

**Имзолар:**

**Истеъмолчи:** ____________________ (М.Ў. Имзо)

**Корхона:** ____________________ (М.Ў. Имзо)

Юридик шахс бўлган истеъмолчилар
учун электр таъминотининг намунавий
шартномасига 3-илова

**Энергия (актив, реактив) сарфланиши бўйича**
**ДАЛОЛАТНОМА**

20___ йил ________________ ойи бўйича

Кўрсатгичлар қайд этилган кун «___» __________________ 20______ йил.

| Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив) | Ҳисоб-китоб коэффициенти | | | Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари | | Ҳисобга олиш прибори кўрсаткич-ларининг фарқи | Сарф кВт.с., кВар.с. | Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с. | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ток трансфор матори (ТТ) | Кучла-ниш транс-форма-тори (КТ) | Уму-мий | бошлан ғич | охирги | | | Эртал абки тигиз вақт | Кун | Кечки тигиз вақт | Тун | |
| | | | | | | | | соат 6-9 | соат 9-17 | соат 17-22 | соат 22-24 | Соат 0-6 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| Жами | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр8 = гр 7*гр 4

**Бюро вакили**

______________________

**Ф.И.О.**

Корхона вакили

Ф. И. О.

**Истеъмолчи вакили**

______________________

**Ф.И.О.**

М.Ў.



**Юрист хулосаси:**

______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
______________________________________________________________________

______________________________ (имзо) ______________________________ (Ф.И.О)

2022 йил «10» январдаги 240025/1 -сонли шартномага илова

## Электр энергияси кувватни истеъмол килиш микдори

| | Бир кВт/с электр энергия нархи | Электр энергия, жами кВт/с | Электр энергия, жами суммаси | Шундан туловлар манбаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бюджет хисобидан | Махсус хисоб ракамидан |
| **Йил, жами** | | 13332 | 5 999 400 | | |
| **1 чорак** | | 13332 | 5 999 400 | | |
| Январь | 450 | 4444 | 1 999 800 | | |
| Февраль | 450 | 4444 | 1 999 800 | | |
| Март | 450 | 4444 | 1 999 800 | | |
| **2 чорак** | | | | | |
| Апрель | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июнь | | | | | |
| **3 чорак** | | | | | |
| Июль | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябрь | | | | | |
| **4 чорак** | | | | | |
| Октябр | | | | | |
| Ноябр | | | | | |
| Декабрь | | | | | |

## Томонларнинг хуқуқий манзиллари:

**«Корхона»**

**Хонобод ШЭТК**

Манзил: **Хонобод шахар ЎШ кўча 1-уй**

Тел./факс **734-10-60**

Х/р[1]: **22636000900285972303**

Банк номи **Андижон ш., АТ Саноат-Курилиш банк Бунёдкор ф.**

МФО **00076** ИНН**200230792**

ОКОНХ **11170**

Рахбар: Ф.Акбалаев

**«Истеъмолчи»**

Хонобод шахар Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Шифобахш №1 уй

Тел./факс: 734-13-34

ш/х 100022860034087072110054002

бюджетдан маблағ олувчи

СТИР 200248215 ОКОНХ 91511

Ғазначилик бўлинмаси номи: **Хонобод шахар бўйича Ғазначилик бўлинмаси**

Ғазна х/в: **23402000300100001010**

Банкнинг номи: **Марказий банк Тошкент шахар бош бошқармаси ХККМ**

МФО: **00014**

ғазначилик бўлинмаси СТИР: **201122919**

Рахбар: Х.Назаров

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: UT0686707140

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№ XT12683765**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

Xonobod shahar tibbiyot birlashmasi va Shahar Elektri Tarmoqlari Korxonasi o'rtasida elektr energiyasini yetkazib berish to'g'risidagi №240025/1-sonli shartnoma

3. Loyha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Xonobod shahar tibbiyot birlashmasi tomonidan 13.01.2022**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil "13" yanvar

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**
**bosh yuriskonsulti** **P.Ismonaliyev**